

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*ИИВ Академияси 312-гуруҳ курсанти
Бекнўлатов Ҳумоюнбек Икромжон ўғли*

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳамкорликнинг ташкилий ҳамда ҳуқуқий асослари, ўзаро ҳамкорлик қилишда юзага келадиган муаммо ва камчиликлар, шунунгдек, ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар илғор хорижий тажрибаси ва миллий қонунчилигимизнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, ҳамкорликни такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий ташвиқот, ҳамкорлик.

ЗНАЧИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРАВОВОЙ ИНФОРМИРОВАННОСТИ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПНОСТИ

Аннотация: В данной статье рассматриваются особенности повышения правосознания и дееспособности граждан в сфере предотвращения преступлений, организационно-правовые основы сотрудничества, проблемы и недостатки, возникающие во взаимном сотрудничестве, а также опыт продвижения. Освещен ряд предложений по устранению этих проблем и недостатков, а также зарубежный опыт нашего национального законодательства, схожие и разные стороны, пути совершенствования сотрудничества.

Ключевые слова: Правосознание, правовая культура, средства массовой информации, правовая пропаганда и правовая агитация среди населения, сотрудничество.

IMPORTANCE OF RAISING LEGAL AWARENESS AND LEGAL CULTURE IN CRIME PREVENTION

Abstract: In this article, the special features of raising the legal awareness and legal capacity of citizens in the prevention of crimes, the organizational and legal foundations of cooperation, the problems and shortcomings that arise in mutual cooperation, as well as the experience of advancing a number of proposals to eliminate these problems and shortcomings and the foreign experience of our national legislation. similar and different sides, ways to improve cooperation are highlighted.

Key words: Legal awareness, legal culture, mass media, legal promotion and legal agitation among the population, cooperation.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Жамиятимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш учун энг аввало жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш бугунги кунда энг долзарб масалагина бўлиб қолмай, энг самарали чора-тадбирлардан бири, кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ушбу бандда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш каби устувор вазифанинг белгиланиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий онгги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигини ва нақадар долзарблигини яққол ифода этмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ички ишлар идораларида амалга оширилётган кенг кўламли ислохотлар туфайли профилактика инспекторлари фаолияти тубдан қайта ташкил қилинди.

Ислохотлар натижасида:

биринчидан, профилактика инспекторлари фаолиятининг ташкилий тузилиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ қилиб белгилаб берилди; *иккинчидан*, республикамизнинг барча ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ- тартибот масканлари ташкил этилиб уларда профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди;

учинчидан, ички ишлар идоралари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги такомиллаштирилди;

тўртинчидан, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бошқа давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди;

бешинчидан, ички ишлар идоралари хусусан профилактика хизматларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш тизими қайта ташкил этилди.

Ислохотлар давомида профилактика инспекторлари жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизликни таминлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жинойтчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятларини амалга оширишда нафақат Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа давлат органлари, хусусан Адлия органлари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Айниқса, профилактика инспекторлари республикада истиқомат қилаётган халқимизнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг турли мазмундаги мурожатларини миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таминлаш, оила ва маҳаллаларда тинч осойишта ҳамжihatликда яшашига кўмаклашиш, ёш авлодни соғлом, ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғломтурмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таминлашга кўмаклашиш, ҳудудда маънавий асосларни мустаҳкамлаш, тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб авайлаш, халқимиз айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она ватанга мухаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatликни мустаҳкамлаш борасида ўтказилётган оммавий, сиёсий, маънавий–маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, ҳудудда аниқ йўналтирилган асосда аҳолининг ҳуқуқий ҳимояга мухтож қатламларини кўллаб – қуватлаш бўйича чора – тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Профилактика инспекторлари ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ўтказишда, фуқароларнинг ҳуқуқий масалаларини ҳал этишда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, ноқонуний диний ҳамда бошқа ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш чораларини кўришда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда булар бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳамкорлик қиладилар.

Бинобарин, юксак ҳуқуқий маданият-демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат

қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади

Профилактика инспекторлари фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда “Менинг аҳолим - менинг ҳудудим” каби шиор остида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи долзарб мавзуларда, айниқса ҳафтанинг ҳар пайшанба кунларида ҳудуднинг фаол қатлами ва жамоатчилик вакиллари билан жиноятчиликни камайтириш борасида фаол ҳаракатларни амалга ошириб, аниқ чоратадбирларни амалга ошириши зарур. Аҳолининг интернет орқали фаоллигини инobatга олиб, шу каби ижтимоий тармоқларда фуқароларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир огоҳликка ва ҳушёрликка чақиришга қаратилган, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қилувчи, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш, шунга алоқадор сайтлар, чатлар, каналлар ташкил этиш, блоглар очиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Профилактика инспекторлари фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда “Менинг аҳолим - менинг ҳудудим” каби шиор остида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи долзарб мавзуларда, айниқса ҳафтанинг ҳар пайшанба кунларида ҳудуднинг фаол қатлами ва жамоатчилик вакиллари билан жиноятчиликни камайтириш борасида фаол ҳаракатларни амалга ошириб, аниқ чоратадбирларни амалга ошириши зарур. Аҳолининг интернет орқали фаоллигини инobatга олиб, шу каби ижтимоий тармоқларда фуқароларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир огоҳликка ва ҳушёрликка чақиришга қаратилган, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қилувчи, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш, шунга алоқадор сайтлар, чатлар, каналлар ташкил этиш, блоглар очиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; жамоат тартибini сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш; жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув

ҳамда дастлабки терговни ўтказиш; жинойтчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш; қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш белгиланган.

Ҳозирги даврда профилактика инспекторининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосийси “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли фармони ҳисобланади. Ушбу фармоннинг муҳим жихати шундаки, фармоннинг 5- бандида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар ҳам юклатилган бўлиб булар ҳаммаси фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, 2010 йил 29-сентябрьдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил 16-сентябрьдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил 14-сентябрьдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 2-сентябрьдаги “Хотин-қизларни тазйиқва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида”ги шу каби ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ички ишлар ва Адлия вазирлигининг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида олиб боради.

1997 йил 29-августда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шартшароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш

заруриятдан келиб чиққан холда, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” қабул қилинди²³. Ушбу ҳужжат асосида ўтган йиллар мобайнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чоратадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кундаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан холда ҳамда мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти ва фуқароларимиз хавфсизлигини ҳамда фаровон яшашларини таъминлаш мақсадида Мухтарам Президентимиз бошчилигида мамлакатимизнинг барча соҳаларида тубдан ислохотлар ўтказилмоқда ҳаётимизга илғор технологиялар, рақамлаштириш ва мамлакатимизда ҳаёт даражасини кўтариш орқали юртимизнинг камбағал қатламнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий томондан қўллаб-қувватлаган ҳолатда уларни сонини қисқартириб, мамлакатимизни дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига олиб чиқиш бош мақсад этиб белгиланган. Буларни амалга оширишда шубҳасиз жамиятдаги жирканч иллатларга қарши курашмасдан туриб эришиб бўлмайди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, наркотик моддалар истеъмоли, жамоат тартибининг бузилиши натижасида мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осойишта ҳаётига, молмулкига зарар етиб қолиши мумкинлиги туфайли буларнинг олдини олиш мақсадиди ҳозирда юртимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида тубдан янги ислохотлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ички ишлар органларида ўтказилаётган ислохотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2-апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори қабул қилиниб унинг 1-илоvasида “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида” ги низом қабул қилинди. Қарорга Мувофиқ “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқтартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади”⁵⁸ деб белгилаб қўйилди ички ишлар органларига жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича янги вазифалар белгилаб берилди ва буларни маҳаллабай кесимда амалга оширишда МХТМлар асосий ўринни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т-2021 йил.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Тошкент: Ўзбекистон. 1999. –31 б.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг И.И.О ходимларига байрам табриги //Постда газетаси – 2015- йил 25 – октябрь.
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни билан табриги.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 – йил 7 – декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси. Халқ сўзи
6. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т-1Тошкент - “Ўзбекистон” – 2018 йил.
7. Исмаилов И. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 3–4. 00
8. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: «Адолат», 2007. – Б.566-568; Общая теория государства и права. Академический курс./ Отв.ред. проф.М.Н.Марченко. Т.3.-М., 2001. – Б.374
9. Соатов М.З. Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича милиция таянч пунктлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари // Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 208-212.
10. 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ–27-сон Фармони// www.lex.uz.
11. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. / Дарслик. –Т., 2008. –Б. 163.
12. Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир юрид. фан. доктори И.Исмаилов –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. –Б. 32